

**БИР-БИРИГА ТОБЕ БЎЛМАГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO
МУНОСАБАТЛАРГА ОИД УСТАВ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ СУДГА
ҚАДАР ИШ ЮРИТУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10222877>

Алаутдинов Дилмурод Алаутдин ўғли

ИИВ Академияси бошлиғи ўринбосари, доцент

Аннотация: *Ушбу мақолада Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларда шахсни жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи деб эътироф этиш вақтида шахс ҳуқуқларини таъминлашда юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган тизимли таклифлар бериб ўтилган.*

Калит сўзлар: *Ҳарбий хизматчи, иш юритиш, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноят, химоячи, айбсизлик презиупсияси.*

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ ЛИЧНОСТИ ПРИ
ПРОВЕДЕНИИ ПРОИЗВОДСТВ ПО ПРЕСТУПЛЕНИЯМ НАРУШЕНИЙ ПРАВИЛ
ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ НЕ ПОДЧИНЕННЫМИ ВОЕННОСЛУЖАЩИМИ**

Аннотация: *В данной статье представлены проблемы, возникающие при обеспечении прав личности при признании лица потерпевшим, подозреваемым, обвиняемым в преступлениях против порядка прохождения военной службы и системные предложения, направленные на их устранение.*

Ключевые слова: *Военнослужащий, судопроизводство, гарантированная защита прав и свобод, преступление против порядка прохождения военной службы, защитник, презумпция невиновности.*

**INCREASING THE EFFECTIVENESS OF PERSONAL RIGHTS ENFORCEMENT IN
ENFORCEMENT OF THE PROCEEDINGS OF THE CRIME OF VIOLATIONS OF THE RULES OF
RELATIONS BETWEEN NON SUBORDINATE MILITARY SERVANTS**

Annotation: *In this article, the problems that arise in ensuring the rights of the individual during the recognition of a person as a victim, suspect, or accused in crimes against the order of military service and systematic proposals aimed at their elimination are presented.*

Key words: *Military serviceman, proceedings, guaranteed protection of rights and freedoms, crime against the order of military service, defender, presumption of innocence.*

КИРИШ

Бугун мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича янгича йўналиш пайдо бўлмоқда. Бунда асосий эътибор, “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилмоқда.

Мазкур тамойил асосида иш юритиш, жиноят процесси иштирокчилари айниқса жабрланувчи ва гувоҳларни ҳам четлаб ўтмаслиги лозим. Чунки, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш оқибатида фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига қўйида кўрсатиб ўтилган рақамлар ва таҳлиллардан келиб чиқиб, етказилиши мумкин бўлган жиддий зиён ҳамда хавф-хатарни олди олиниши мумкин.

Ишни судга қадар юритишда иштирок этаётган шахснинг ҳуқуқи – бу инсоннинг Конституция, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган барча ажралмас ҳуқуқлари мажмуидир²¹.

Тадқиқотимизнинг асосий объекти ҳисобланган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларда бевосита бир қанча жабрланувчи ва гувоҳлар иштироки таъминланиши табиий. Ишни судга қадар юритишда уларни ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада кафолатланганлиги ҳақида савол туғилиши муқаррар. Бу борада мамлакатимизда жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари етарли даражада ҳимоя қилинмаган, десак муболаға бўлмайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юридик адабиётларда, ҳисобланган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларда жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинмаганлигининг асосий сабаби аксарият суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьялар жабрланувчига жиноятни очишнинг вақтинчалик воситаси деб қаралишидан иборат, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Соҳа мутахассисларидан Д. Тўраеванинг фикрича ҳам бошқа жиноятлар қатори ҳисобланган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларда ҳам агарда жабрланувчи тергов органларига ёки судга узрли сабабларсиз келмаса, унга нисбатан мажбурий келтириш, кўрсатма беришдан бўйин товлаганлик учун эса ҳеч бир муқобил чорасиз, фақат жиноий жавобгарлик қонунлаштириб қўйилганлиги маълум бир даражада шахс ҳуқуқларини бузилишига асос бўлади. Ушбу масалага бўйича Д. Тўраева жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳаёти,

²¹ Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш. Монография. –Т., 2020. (Saidov B.A. Ensuring the constitutional rights and freedoms of the individual in the proceedings before the court. Monographs. - T., 2020.)

СОҒЛИҒИ,

қадр-қиммати ҳимоясини кафолатлайдиган чора-тадбирлар мажмуини ўзида мужассамлаштирилган амалий механизмнинг ишлаб чиқилиши уларнинг амалий таъсирчанлигини таъминлашда муҳим қадам бўлишини таъкидлайди²².

Ўзбекистон Республикаси ЖККнинг 54-моддасига кўра жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради, – деб кўрсатилган.

Демак, суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ва суднинг ажрими асосида шахс жабрланувчи ҳуқуқий мақомига эга бўлади. Бошқа ҳолатда уни жабрланувчи деб эътироф этиш учун ҳуқуқий асос мавжуд эмас. Бунда субъектив ёндашув асосида жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этилишига олиб келишини англаш мумкин.

Шунингдек, бошқа жиноятлар қатори ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларда ҳам иш юзасидан шахс ариза ёзган вақтдан бошлаб то у жиноят иши бўйича жабрланувчи деб эътироф этилган вақтга қадар унинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб берилмаган. Бунинг оқибатида жабрланувчининг ҳуқуқлари чегараланишига олиб келмоқда.

Шу сабабли, ишнинг ушбу босқичида аризачининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи механизмни жорий қилиш орқали уларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини чеклашни олди олиш мумкин.

Тадқиқот давомида ўрганилган жиноят иши материаллари шуни кўрсатмоқдаки, дастлабки тергов давомида ҳарбий прокурорлар томонидан ишда ҳарбий хизматчини жабрланувчи деб эътироф этилиши ҳақида ўз вақтида қарор қабул қилинмаслиги оқибатида айрим муаммолар юзага келмоқда. 2012-2023 йилларнинг 105 та жиноят ишлари ўрганилиши давомида, жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб 5 (4,7%) та, жиноят иши қўзғатилгандан кейин ўн кун давомида 28 (27%) та, ўн кундан кейин 72 (68%) та шахслар жабрланувчи деб эътироф этилган. Бу эса, жиноят ишлари бўйича жабрланувчилар ўз вақтида белгиланган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланилмаганлигидан далолат беради.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларда шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор унинг қонун билан тақиқланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қурбони бўлганлиги тўғрисидаги факт тасдиқланганидан ва жиноят иши қўзғатилганидан кейин чиқарилиши лозим. Шахсни

²² Д.Т.Тураева. Жабрланувчининг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши. Конституция – тинчлик ва тараққиёт кафолати/ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 27 йиллик байрами муносабати билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси илмий амалий конференция материаллари тўплами. ю.ф.д. доц. Азизов Н.П. умумий тахрири остида. Т., Akademiya. 2020 йил. (D.T.Turaeva. Protection of the constitutional rights and interests of the victim. Constitution-guarantee of peace and Development/ collection of materials of the scientific practical conference of the Republic of Uzbekistan organized on the occasion of the 27th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. no. it's not.f.D. the dos. Azizov N.P. under the general edition. T., Academy. 2020 year)

жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорнинг асосиз равишда кечиктирилиши уни жиноят процессида фаол иштирок этишига тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслари ҳамда 2018 йил 13 декабрь куни қабул қилинган “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун йўли билан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси вазифасини ўтайди. Сўз юритилган Қонуннинг 4-моддасига кўра жабрланувчи ва гувоҳ ҳимоя қилиш субъекти ҳисобланиб, уларни шахсини, уй-жойини ва бошқа мол-мулкларини қўриқлаш

тартиби белгиланган. Лекин жиноят процесси иштирокчилари ҳисобланган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларда жабрланувчи ва гувоҳларнинг эркинлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳуқуқ доирасини кенгайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасида жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган. Тадқиқот доирасида ўтказилган изланишлар натижалари, хориж тажрибаси ҳамда бу борада фикр юритган ҳуқуқшунос олимларнинг фикридан келиб чиқиб ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларда ишни судга қадар юритишда жабрланувчининг қуйидагиларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) ҳарбий хизматчининг аризаси асосида қўзғатилган жиноят иши бўйича, жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб жабрланувчи деб эътироф этилиши;

2) иш юзасидан тайинланган экспертиза қарорлари ва ҳулосалари билан дастлабки тергов даомида танишиб чиқиш ва нусхалар олиш;

3) айбланувчи нимада айбланаётганлигини билиш, қўйилган айбловга муносабатини билдириш;

4) унинг иштирокида расмийлаштирилган баённомалар билан танишиб чиқиш, улардан нусха олиш ва шикоят қилиш;

5) етказилган зарар миқдорини ундириб беришни талаб қилиш.

Мавзу доирасида ишни судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ҳамда жабрланувчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳақида фикр юритилар экан, бу босқичда гувоҳни ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. ЖПКнинг 81-моддасида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун кўрсатувларни далилий аҳамиятга эга бўлган шахслардан бири сифатида гувоҳлар ҳам тан олинган. Кўрсатувлар процессуал назарияда шахснинг айбдор ёки айбсизлигини бевосита, тўғридан-тўғри кўрсатадиган далилий манба сифатида таърифлайди.

Маълумки, ҳар қандай тажовуз бирон-бир мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида гувоҳга нисбатан кўрсатилган ғайриқонуний тажовуз аксарият ҳолларда уларни берган

кўрсатувларидан бош тортишган ёки ёлғон кўрсатув беришда ифодаланади. Ана шундай ҳолларда, ҳарбий қисм ичида ҳам унинг ташқарисида ҳам жабрланувчи ва гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Аксарият жабрланувчилар, жисмоний ўч олишдан, мулкларининг йўқ қилиниши ёки уларга шикаст етказишдан ёки аскарый ор-номуси топталишидан қўрқиб, жиноятлар ҳақида ариза қилишмаслиги, гувоҳлар эса ўзларининг дастлабки кўрсатувларидан воз кечишлари ҳақида фикрлар билдиришган.

Шу билан бирга гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ишни судга қадар юритиш босқичида уларнинг ёрдамидан кенг фойдаланиши муносиб равишда рағбатлантирилиши ўрнига, аксинча уларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган²³.

Ҳозирги кунда тадқиқотимизнинг асосий объекти ҳисобланган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини янада самарали ишлаши, қонун ҳужжатларидаги камчиликларни тузатиш, суд ҳимоясини амалга оширишнинг ташкилий-процессуал усулларини такомиллаштириш ва кафолатланган ҳуқуқий тизимни қайта ислоҳ қилиш ҳамда суд ҳимояси институтининг қонунийлигини таъминлаш жамиятдаги энг муҳим вазифалар комплексини ташкил этади. Бу вазифаларнинг самарадорлиги асосан суд муассасалари ва суд ишларини юритишнинг ўзаро боғлиқлиги билан баҳоланади.

Жиноят-процессуал кодексида белгиланган мақсад ва вазифалар мазкур муносабатлардаги барча ҳолатларга таалуқли бўлиб, ҳеч қандай қонунчиликка зид имтиёзлар ҳамда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига асло йўл қўйилмайди. Ҳарбий хизматчилар ўртасида юзага келадиган жиноий ва жиноий-протсессуал муносабатлар ҳам айнан шулар жумласидандир.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг судга қадар иш юритувини амалга оширишда шахс ҳуқуқларини кафолатлаш юритилаётган жиноят ишларида ҳақиқатни аниқлаш принципи талаблари билан ҳам ўзвий боғлиқликда таъминланади. ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ЖПКда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004-йил 24-сентябрдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 12-сонли қарорида “...кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга

²³ Хидоятлов Б. Б. Трансмиллий жиноятларнинг олдини олишда халқаро ҳамкорлик масалалари //Журнал правовых исследований. – 2022. – №. SI 1. (Khidoyatov B. B. and others. Issues of international cooperation in the prevention of transnational crimes // Journal of Law Research. - 2022. - №. SI 1)

нисбатан бошқа шавқатсиз ёки унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек алдаш ва қонунга хилоф равишда бошқа йўллар билан олиниши” далилларнинг номақбул деб топилишига асос бўлиши таъкидланган. Ҳақиқатни аниқлашда ғайриқонуний усуллар (гумон қилинувчи, айбланувчини алдаш, унинг жавобларини олиниши лозим бўлган жавобга тўғирлаш, шахснинг жазосини енгиллаштириб бериш ёки жазодан озод қилишни ваъда қилиб, ўзини айбловчи ахборотларни маълум қилишга ундаш ёки айбланувчи, гумон қилинувчи шахсни унинг қариндошлари билан учраштиришни ваъда қилиб, ундан айблов йўсинидаги маълумотларни олиш, узоқ вақт давомида сўроқ қилиш ёки уушбу процесс иштирокларига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш ва бошқалар) орқали кўрсатувлар олиш шахс ҳуқуқларининг кафолатларини жиддий хавф остига қўяди.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг судга қадар иш юритувини амалга оширишда шахс ҳуқуқларини таъминлаш борасида гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида ишда иштирок этаётган ҳарбий хизматчи ЖПКнинг тегишли моддаларида белгиланган гумон қилинувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши лозим. Аммо қонунчилигимиздаги нормалардаги айрим коллизия ҳолатлар сабабли бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти бўйича гумон қилинаётган ҳарбий хизматчилар юқорида белгиланган ҳуқуқларини амалга оширишда айрим қийинчиликларга дуч келишмоқда.

Бироқ, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик ҳужжатлари таҳлилига назар соладиган бўлсак, интизом ва ҳарбий устав қоидалари асосида хизмат олиб борувчи ҳарбий хизматчилар фаолиятида ўз ўзидан хизматни ташкиллаштириш, белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида, сифатли ва пухта олиб бориш мақсадида бўйсунувчи ҳарбий хизматчи ҳамда раҳбар муносабатлари мавжуддир. Бу эса ўз навбатида хизмат доирасида бўйсунувчи ҳарбий хизматчи томонидан қонунчиликка кўра хизмат мажбуриятларни бажариш, бошқа шахс (яъни раҳбар) томонидан буйруқ мазмунида берилган топшириқларни бажаришни тақозо этади.

Бундан ташқари, ҳарбий хизмат давомида бир бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ҳам ўзаро муносабатга киришадилар. Аслини олиб қараганда, ҳарбий хизмат давомида раҳбар шахсни қўл остидаги шахсий таркибга оғзаки ёки ёзма шаклда, қонунда белгиланган тартибда берадиган кўрсатмаларининг сўзсиз бажарилиши инсон ҳуқуқларини айрим жиҳатларини чекланиши деган фараз шаклланишига олиб келиши мумкин. Чунки айрим олимлар, бундай мазмундаги фикрларни ҳозирга қадар қўллаб-қувватлаб келадилар. Лекин кўпчилик инсон ҳуқуқларига оид масалалар билан шуғулланувчи олимлар ушбу фикрга қўшилмайдилар. Яъни улар томонидан давлатлардаги ҳарбий хизматни ташкил этиш, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва бошқа ҳар қандай турдаги

ҳарий муносабатлар бу ҳар бир давлат томонидан мустақил белгиланадиган қоидалар эканлиги таъкидланади. Яъни ҳар бир мустақил давлат ўзининг қонунчилигидан, миллий урф-одат ва анъаналаридан, менталитетидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий муносабатларни ўрнатади. Албатта умумеътироф этилган қоидаларга тўлиқ амалга қилган ҳолдагина бунга рухсат этилади. Ҳарбий хизматчи хизматни олиб боришда қонунчиликда белгиланган вазифа ва топшириқларни сўзсиз бажаради. Бу ҳеч қандай шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чекланишига олиб келмайди, балки ижрочилик интизомини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги интизомни таъминлаш ва булар баробарида давлатнинг суверен яхлитилиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди.

Тақдиқотимиз обектини таҳлил қилиш баробарида, бир бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидалари бузилса, ушбу ҳолат бевосита жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан жиноят таркибини ташкил этди деб тасаввур қилсак, унда ҳарбий хизматчилар айна вақтда жиноят протсессеси иштирокчисига айланиши ҳамда уларга нисбатан протсессуал қонунчиликда алоҳида кафолатлар мавжудми деган ҳақли савол туғилади. Айна бир вақтда ҳарбий хизматчи ҳам шахс, яъни жиноят содир этдими қонунда белгиланган тартибда бошқа фуқаролар каби жавобгарликка тортилади.

Бироқ, терговга қадар текширув ўтказишга ЖПКнинг 39¹-моддасига кўра ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ёхуд ўқув юрти жойлашган эрда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича ваколат берилган ҳисобланади. Ушбу ҳолатда ҳарбий хизматчи томонидан амналга оширилган хатти-ҳаракат натижасида “бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш” жинояти содир этилса, ушбу ҳолат бўйича терговга қадар текширув бевосита ҳарбий тузилмалар томонидан ўтказилса, унда протсессуал қонунчиликда жиноят содир этишда гумонланаётган шахсга тегишли ҳуқуқлар, шу жумладан халқаро умумеътироқ этилиб, конституциямизда ҳуқуқий кафолатланган “Миранда қоидалари”ни амал қилиши қандай кечади деган ўринли ва мулоҳазали савол туғилади.

Айрим тадқиқотчилар, ушбу вазиятга етарли даражада эътибор қаратмасдан, умумий равишда гумонланаётган шахс фойдаланиши мумкин барча ҳуқуқлардан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланади деган фикрни илгари сурадилар. Ваҳоланки, ушбу ҳуқуқлардам яъни “Миранда қоидаси” - гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи о'зининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, бошқача айтганда, миллий қонунчилигимизда сукут сақлаш ёки ҳеч қандай ко'рсатма бермаслик ҳуқуқи айбсизлик презумпсияси тамойилига асосланганлиги, о'зига

нисбатан қо'йилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари то'ғрисида ко'рсатувлар беришдан бош тортиш ҳуқуқи кафолатланганлиги, ко'рсатув бериш, шунингдек о'зининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас ушбу фикримизни яққол исботидир.

Ушбу жараёнда ҳарбий хизматчига содир этган жинояти бўйича умумий асосларда ҳуқуқлари тушунтирилса-ю, айти бир вақт терговга қадар текширувни амалга ошираётган мансабдор шахс ҳам лавозим, ҳам ҳарбий унвон жиҳатидан жиноят содир этишда гумонланаётган шахс (ҳарбий хизматчи)га интизом ва ҳарбий устав қоидаларига кўра буйруқ, топшириқ, кўрсатма бериш ҳуқуқига эга бўлади?

Албатта йўқ деган фикрни биз тўлиқ илгари сураимиз. Лекин амалдаги қонунчилигимизда ушбу ҳолат коллизия нормаси сифатида хусусиятланишини таъкидлаймиз. Ҳамда амалдаги ЖПК да ушбу ҳолатни тартибга солиш ва айрим қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар бўйича “ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган ҳар қандай жиноий ҳолатлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказишда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафолатлари бирдек таъминланиши ва барча кафолатларда ўз вақтида, беғараз фойдаланиш имконияти яратилади” мазмунидаги қоидаларни жиноят процессуал раҳбарий қонунчилиги сифатида принсларда ҳуқуқий мустаҳкамлаш заруриятини таъкидлаш керак.

Ушбу фикримизни мантиқий инқоси сифатида дунёнинг ривожланган мамлакатлар қонунчилигига қарайдиган бўлсак Германия, Англия ва Швецияда ҳарбий хизматчига нисбатан жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб, жиноят содир этган ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматдан муайян муддат давомида четлаштирилади. Бу бевосита унга берилган барча имтиёз, таъминот, махсус кафолатларни йўқотиши билан бир қаторда, ҳарбий мажбурият ва устав қоидаларидан озод қилади ва жиноят процессуал қонунчилигида гумон қилинувчи фойдаланиши мумкин бўлган барча ҳуқуқлар ҳамда кафолатлар таъминлашинига замин яратади. Ушбу тажриба терговнинг сифатли ва холис бўлишини таъминлаб, терговга қадар текширув ва терговни бир томонлама бўлишини олдини олишга хизмат қилади.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг судга қадар иш юритувини амалга оширишда шахс ҳуқуқларини таъминлашда гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этаётган ҳарбий хизматчи ЖПКнинг тегишли моддаларида белгиланган гумон қилинувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши лозим юқоридаги таҳлилларимиз асосида асослашга ҳаракат қилдик.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти бўйича тергов ҳаракатларини ЖПК нормаларига асосан ҳарбий прокурорлар томонидан амалга оширилади. Ўз навбатида ҳарбий прокурорлар ҳарбий унвонга эга бўлишади. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид

устав қоидаларини бузиш жиноятини содир этаётган ҳарбий хизматчиларнинг 95%и сафдор ҳарбий унвонидагилардир. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий низомларининг талабига кўра кичиклар (ҳарбий унвон бўйича кичиклар) катталарнинг (ҳарбий унвони бўйича катталар) буйруқларини бажариши шартлиги белгиланган. Ушбу талаблар ҳарбий интизомнинг асосий элементи ҳисобланади. Аммо, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти юзасидан тергов ҳаракатларини амалга оширишда ҳарбий унвони катта бўлган ҳарбий прокурор билан ҳарбий унвони кичик бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчи сифатида ишда иштирок этаётган ҳарбий хизматчи ўртасида содир бўладиган мулоқот (тергов ҳаракатларини амалга ошириш) жараёнида айнан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомларининг айрим талаблари тергов олиб боришнинг холислиги ва шаффофлигига путур етказди. Масалан, ноқонуний берилган ҳарбий прокурорнинг буйруғини гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида ишда иштирок этаётган оддий ҳарбий хизматчи бажармаслиги оқибатида устав қоидалари бузилади. Лекин, гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этаётган ҳарбий хизматчининг ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш, кўрсатувлар беришдан бош тортиш, ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш, илтимосномаларни рад қилиш, ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш каби бир қатор ҳуқуқларга эга ҳисобланиб, ушбу ҳуқуқларни амалга оширишда бир қатор муаммоларга дуч келиши мумкин. Масалан, гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этаётган ҳарбий хизматчининг кўрсатувлар беришдан бош тортиши ҳарбий низомларга зид келсада, ЖПК нормалари билан унинг ҳуқуқи сифатида белгиланганлиги сўзимиз исботидир.

Фикримизча, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг судга қадар иш юритувини амалга оширишда шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш ушбу жиноятларнинг содир етилган барча ҳолатларда ишда иштирок етувчи шахсларнинг айбсизлик презумпсиясида белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий гарови ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қўзғатилган жиноят иши бўйича барча ҳолатларда агарда ҳарбий хизматчиларга нисбатан иш қўзғатилган тақдирда ушбу принципнинг қоидаларига қонундан оғишмасдан амал қилиш шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятларида ҳарбий хизматчилар гоҳ гумон қилинувчи бўлсин, гоҳ айбланувчи бўлсин, гоҳ судланувчи бўлсин ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ҳарбий хизматчилар малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Шуни айтиш мумкин-ки, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятнинг судга қадар иш юритувини амалга оширишда шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг самарадорлигини оширишни жиноят процессуал кодексида белгиланган принциплар ҳамда халқаро инсон ҳуқуқларини таъминлаш доирасидаги ҳужжатлар орқали амалга оширишимиз мумкин. Ҳарбий хизматчини терговни амалга оширувчи мансабдор шахс ишда иштирок этувчи сифатида ишга жалб қилиш тўғрисида қатъий қарорга келса, гоҳ гумон қилинувчи, гоҳ айбланувчи, гоҳ жабрланувчи ёки гоҳ гувоҳ сифатида ишга жалб қилган тақдирда аввало ҳарбий хизматчининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириши лозим. Таништирилган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ёзма тарзда ҳам амалга ошириши ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар имзо қўйиши лозим.

Ҳарбий хизматчини ишда иштирок этишга гумон қилинувчи сифатида жалб этган бўлса, аввало айбсизлик презиумсияси доирасида айби исботланмагунча айбланувчи сифатида қаралмаслиги ва барча ҳуқуқлари таъминланиши лозим. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳам барча фуқаролар цингари ушланганлиги юзасидан яқин қариндошларини телефон орқали хабар беришлари мумкин ҳамда жиноят процессуал кодексида кўрсатилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади ҳамда амалга оширилади.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятида асосий ҳолатлардан бири ҳарбий хизматчиларни ҳимоячи билан таъминлаш ҳисобланади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи сифатида ишда иштирок этаётган ҳарбий хизматчиларни ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши, биринчидан, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, уларни асоссиз жиноий таъқибдан муҳофаза қилиш масалалари, иккинчидан, шахсни жавобгарликка тортишда дастлабки тергов, суднинг фаолияти қонун ҳамда адолат мезонларига тўғри ва мос эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан боғлиқдир.

ЖПКнинг 53-моддасида ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Аммо, шуни ҳам қайд этиш лозимки, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш институти иш бўйича қонунийликка риоя этиш ва ҳақиқатни аниқлашда жуда муҳим омил эканлигига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида ҳам, суд муҳокамаси бораётганда ҳам қўпол тарзда бузиш ҳоллари барҳам топмаган²⁴.

Ҳуқуқшунос олим Б.Ражабовнинг фикрича, “ҳимоячи ва айбловчи томонлар фақатгина ишни судда юритиш босқичларида эмас балки судга қадар юритиш

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/1453755>

босқичларида ҳам исбот қилиш борасида процессуал жиҳатдан тенг ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлишлари лозим. Чунки, жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган ва исботлашнинг негизини ташкил этадиган ҳолатлар ва фақтлар айнан ишни судга қадар юритишда шаклланади. Ҳимоячи жиноят процессининг тенг ҳуқуқли томони сифатида ҳимоя қилиш учун мустақил равишда далилларни аниқлаш ва тўплаш ҳуқуқидан тўла-тўқис фойдаланиши лозим. Бунинг учун албатта ЖПКда бунга тўсиқ вазифасини ўташи мумкин бўлган бўшлиқларни тўлдириш мақсадга мувофиқ”²⁵.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, барча жиноятлар қаторида ҳарбий жиноятларда ҳам келгусида ҳимоячига ўз номидан эксперт муассасаларига экспертизаларни ўтказиш учун материалларини йўллаш ҳуқуқини бериш, эксперт муассасаларига эса шартнома асосида ана шундай экспертизаларни амалга ошириш ҳуқуқини бериш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим бўлади.

Ундан ташқари ҳарбий ҳизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятлар юзасидан гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ҳамда процесснинг бошқа иштирокчилари сифатида ишда иштирок этаётган ҳарбий хизматчиларни ҳимоячи билан таъминлашда бир қатор муаммоли фикрларга дуч келинмоқда. Айрим соҳа мутахассислари ҳарбий жиноятлар юзасидан ҳарбий хизматчиларга махсус билим ва кўникмага эга бўлган алоҳида тоифали “ҳарбий адвокатлар” тузилмасини тузиш ҳамда юқоридаги ҳолатлар юзасидан фақат ушбу адвокатларни ишда иштирок этишга жалб қилиш юзасидан таклифлар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1996-йил 27-декабрдаги 349-І-сон “Адвокатура тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида адвокатлик фаолиятининг турлари кўрсатилган бўлиб, унда фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ҳамда жиноий ишлар бўйича фаолият юритиши белгиланган. Юқоридаги фикрларни асосли деб ҳисоблайдиган бўлсак, нафақат ҳарбий жиноятлар бўйича махсус адвокатлар балки, бошқа барча жиноятлар учун ҳам алоҳида тоифали (лицензияли) адвокатлар фаолиятларини йўлга қўйишимиз лозим бўлади. Бу эса иложсиз ва самарасиздир.

ХУЛОСА

Юқорида билдирилган таклифларга асосан, ушбу жиноят оғир турдаги жиноят эканлигини инобатга олиб, барча ушбу турдаги ишларда ҳимоячининг ишда иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш жиноят ишини тез ва тўла очилиши билан бирга жиноят процессуал кодексига белгиланган принципларга ҳам бевосита амал қилишимизни билдиради.

²⁵ *Ражабов Б.А.* Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш: Монография – Т, 2019. – Б. 34.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Н.Салаев. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг объектив белгиларини аниқлашдаги баъзи муаммолар ва уларнинг ечими. Inlibrary Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили 2010 йил -Б 44-46.

2. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 641-642

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сон қарори.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Т.5. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.

5. 1984 йил 10-декабрдаги “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадрқимматни камситувчи турларига қарши” Конвенция. // Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ: Дарслик. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. –Б. 318-335.

6. Тан жароҳатларининг оғирлиги даражаси. Суд-тиббий аниқлаш қоидалари. / Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21 октябрь 1992 йил № 551 сонли буйруғига 12 сонли илова (Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Адлия Вазирлиги, Ички ишлар Вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган).

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарори.

8. Мирзаев Т.Қ. Қобулов Р. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Talqin, 2005. – Б. 24.